

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



Рўйхатга олинди  
№ 140 3-7  
2017 йил

Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси  
(Информатика)  
йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент - 2017

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТДПУ ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва  
ўрта махсус, касб-хўна таълими йўналишлари бўйича ўқув-ўқувчи  
бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг*

2017 йил 18 август даги 4 - сонли байномаси билан  
маъқулланган

Тузувчилар: "Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият  
ривож ва таълим-тарбия масалалари" модули: с.ф.д., проф.  
И.Эргашев, ф.ф.д., проф. М.М.Қаҳҳоров.

"Таълим-тарбия жараёنларини ташкил этишнинг конунчилик  
нормалари" модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.д.,  
доц.О.Х.Нарзуллоев.

"Инновация таълим технологиялари ва педагогик  
компетентлик" модули: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н.  
М.Усмоилов, п.ф.н. М.Т.Мирсолыева, ўқитувчилар И.А.Эшмакметов,  
К.Рискулова.

"Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий  
ахборот майдонини лойihalаш" модули: ф.м.ф.д., доц. Х.Холматов,  
катта ўқитувчилар В.Ҳамидов, М.Файзиёва, ўқитувчилар  
Т.Шаймардонов, А.Обидов.

"Амалий хорижий тил" модули: катта ўқитувчилар. У.Гулсоя,  
Ф.Бойсариева; Ўзбекистондаги Британия Кенгашининг стажчи  
мутахассислари.

"Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва  
қарорлар қабул қилиш технологиялари" модули: ф.ф.д., проф.  
Р.Самаров, п.ф.д. Х.М.Алимов, ф.м.ф.н., доц. А.З.Каримов.

Махсус фаилар бўйича: М.Ж.Муталипова, ЮНЕСКОнинг таълимда  
АКТни жорий этиш бўйича экспертлари, п.ф.н. Д.Сайфулов, катта  
ўқитувчи М.Файзиёва, катта ўқитувчи, п.ф.д., доц. Д.Юлусова,  
Хорижий эксперт Халил Бурхорд (Германия), п.ф.н., доцент  
М.Мамарозжабов, п.ф.н., доцент С.Турсунов, п.ф.д., доц. Ж.О.Толпилова

Таъризчилар: п.ф.д., проф. Ф.Закирова - ТАТУ, "Касб таълими" факультети декани  
п.ф.д., проф. А.Абдуқолиров - ТДПУ Информатика ўқитиш  
методикаси кафедраси

Ўқув дастури ТДПУ Кенгашининг қарорин билан тасдиққа тавсия қилинган  
(2017 йил 1 август даги 13/4-М - сонли байномма).

Қирриш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил  
12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-4732-сон, 2017 йил  
7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича  
Харакатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармонлари,  
шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада  
ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли қарорда  
белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган  
бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш  
жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим  
муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам  
ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмунини олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва  
конунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат,  
таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш,  
амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус  
фанлар негизда илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик таракқиёт ва  
ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги  
ютувлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал  
Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш  
усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини  
шақллантиришни назарда тутадн.

Дастур доирасида берилдиган мавзулар таълим соҳаси бўйича  
педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмунини, сифати  
ва уларнинг тайёрлигига қўйилдиган умумий малака талаблари ва ўқув  
режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим  
муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва  
инновация технологиялари, илгор хорижий тажрибалардан самарали  
фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига  
кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини  
ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам  
юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини  
ташкил этиш ва бошқариш тизимли таҳлил қилиш, шунингдек,  
педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ  
компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзинга хос  
хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда  
тинловчиларнинг махсус фаилар доирасидаги билим, кўникма, малака  
ҳамда компетенцияларига қўйилдиган талаблар такомиллаштирилиши  
мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига камраб олади:

#### **I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари**

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривож ва таълим-тарбия масалалари.
- 1.2. Таълим-тарбия жараёпларини ташкил этишининг қонунийлик нормалари.

#### **II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.
- 2.2. Таълимда илгор хорижий тажрибалар.

#### **III. Таълим жараёпларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

- 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.
- 3.2. Таълимда илгор ахборот-коммуникация технологиялари.

#### **IV. Амалий хорижий тил**

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенси夫 усуллари.

#### **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

- 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.
- 5.2. Педагогик жараёнинг тизимли таҳлили.

#### **VI. Махсус фанлар**

- 6.1. Аниқ ва табиий фанларнинг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари.
- 6.2. Олий таълимда аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси.
- 6.3. Педагогик квалиметрия.

#### **VII. Педагогик амалиёт**

#### **VIII. Малакавий аттестация**

#### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёпларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига қуйидагилар кирадик:

“Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёрарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- информатика йўналишидаги фанларнинг умумий ва хусусий тушунчаларини;
- информатика йўналишидаги фанларнинг гоёлари, назариялари, гипотезалари, қонуниятлари ва тамойилларини;
- информатиканинг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичларини;
- информатика йўналишидаги фанларга оид назарий қарашлар, статик ва замонавий концепцияларни;
- информатика йўналишидаги фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фан тармоқларини;
- информатика фанга қўйилган замонавий талабларни;
- информатика фаннинг ютуқлари ва инновациялари ҳақида билимларга эга бўлиш лозим.

#### **Тингловчи:**

- информатиканинг тараққиёт йўналишлари ва инновацияларини ўзи машғулот ўтказадиган фанга мослаштириш;

- илмий ва фундаментал фан соҳасида илмий изланишлар олиб бориш;
- методология ва замонавий ёндошувларни танқидий таҳлил қилиш;
- информатика ва ахборот технологияларидаги инновациялардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- интерфаол таълим технологияларига асосланган ўқув машғулотларини лойихалаш ва режалаштириш;
- шахсга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;

• Информатиканинг тараққиёт йўналишлари ва инновацияларини олий таълим амалиётига самарали татбиқ этиш кўшкмаларини эгаллаш лозим.

#### Тингловчи:

- информатика йўналишидаги фанларнинг гоёлари, назариялари, гипотезалари, қонуниятлари ва тамойилларини амалиётга татбиқ этиш;
- информатикадаги инновациялардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- информатиканинг тараққиёт йўналишлари ва инновацияларини оқилona ташлаб олиш;
- мутахассислик билан боғлиқликда информатиканинг тараққиёт йўналишлари ва инновацияларини реал амалиёт билан уйғулаштиришга эришиш;
- информатика ва ахборот технологияларининг тараққиёт йўналишлари ва инновацияларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш маънакаларини эгаллаш лозим.

#### Тингловчи:

- информатиканинг замонавий йўналишларига оид назарий қарашлар, етакчи концепцияларини педагогик фаолиятга қўлай олиш;
- информатика таълими бўйича ташкил этиладиган машғулотларда инновацион ва ахборот технологиялари, талабалар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методларни қўллаш;
- информатика таълими жараёнида талабаларнинг фаолигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан педагогик амалиётга самарали фойдаланиш;
- ривожланган мамлакатларда педагогика ва психология ҳамда мутахассислик фанларини ўқитиш методикасидаги илгор тажрибаларни таълим-тарбия жараёнига модернизация қилган ҳолда қўллаш *компетенцияларига эга бўлиши лозим.*

#### Куренинг хажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юктамаси haftасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилди.

“Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни

## I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривож ва таълим-тарбия масалалари.

Мустақил демократик тараққиёт ва жамият ривож. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янгича назарий-концептуал гоёлар. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчил давом эттириш тўғрисида. Халқ билан мулоҳот ва инсон манфаатларини химоя қилиш – давлат сисёатини устувор йўналиши. Халқ қабулҳоналари ва виртуал марказларининг ташкил этилиши. Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлашининг зарурлиги. Танқидий таҳлил, катъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаолиятининг асоси эканлиги. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши, унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётда амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар. Таълим соҳасидаги ислохотлар, модернизациялаш ва интеграциялашиш жараёналари. Жамиятдаги ўзгаришларда ёшларнинг иштироки. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти.

1.2. Таълим-тарбия жараёналарини ташкил этишининг қонунчилик нормалари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга қиритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Қадрлар тайёрлаш миллий дастури. Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бошқичлари ва асосий йўналишлари.

Коррупцияга қарши курашининг қонуний асослари ва унинг олдини олишининг омиллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашни тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарорининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог қадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада тақомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июлдаги ПФ-4732-сон Фармонига ўзгартириш ва қўшимча қиритиш тўғрисида”ги ПФ-4860-сонли Фармони, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли қарори,

2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини туздан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон қарори,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизimini учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон қарори, 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизimini дарсликлар ва ўқув адабийлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сонли қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори, 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 36-сонли қарори, 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли қарори.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушуначаси ва уларга қўйилган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизimini тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари

талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очққ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли буйруғи, 2017 йил 1 мартдаги “Янги ўқув услубий мажмуаларни тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисида”ги 107-сонли буйруғи, 2017 йил 13 мартдаги “Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида”ги 138-сонли буйруғи, 2015 йил 7 апрелдаги “Олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадаси тўғрисидаги 123-сонли буйруғи, 2017 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизimini янада ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги Қарорини ижроси тўғрисидаги 244-сонли буйруғи, 2017 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 майдаги 304-сонли Қарори ижроси тўғрисида”ги 342-сонли буйруғи.

## II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

### 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик

Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Инновацион жараёнларининг кечиб босқичлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларининг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case-study (кейс стади), маҳорат дарслари, ассисмент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагог психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Аудиторияда шахсларо муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик-педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциални тушуниши ва моҳияти. Педагогларда креатив компетенцияни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари.

**2.2. Таълимда илг'ор хорижий тажрибалар**  
Хорижий мамлакатлар таълим тизими. Замонавий ёндашувлар. Европа ягона таълим мухити (Болонья жараёни). Модулли таълим моҳияти. Модулли таълим тамойиллари. Модул блоклари.

Модулли-кредит тизими моҳияти. ECTS кредитлари. ECTSнинг асосий тамойиллари. ECTSнинг хусусиятлари. Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтши методикаси.  
Ривожланган Европа давлатлари (Германия, Англия), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда қўллаш бўйича тажрибаларини таълим тизимига тадбиқ этилиши.

Таълим хизматларини кўрсатиш борасидаги хорижий тажрибалар.  
Махсус педагогика фанининг ривожланишига доир энг сўнгги илмий назариялар ва уларнинг муаллифлари фаолияти. Соха илмий мактаблари фаолияти. Илмий мактабларда эришилган ютуқлар. Махсус педагогика соҳасида яратилган янги ўқув ва илмий адабиётлар тахлили.

### III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

**3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойihalаш**

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятлари.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиши. Microsoft Office пакетининг замонавий версиялари таснифи. Microsoft Office пакети дастурларида (MS Word, MS Excel, MS Power Point ва б.) ўқув-методик материалларини яратиш усуллари.

Web 2.0/3.0 технологиялари. Педагогик дастурий воситалар. Муаллифлик дастурлари (Ispring Free, Articulate ва бошқ.) ва улардан фойдаланган холда мультимедияли электрон ўқув ресурсларини яратиш.

Компьютер тармоқлари. Интернет технологиялари характеристикаси. Интернет тармоғининг асосий хизматлари ва унда мулоқот турлари. Интернет ресурсларидан таълимда фойдаланиш. Ziyonet.uz таълим портали. Google асбоб ускуналари ва хизматлари (сервислари)дан фойдаланган холда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойihalаш. Электрон портфолио ва унда ишлаш технологиялари.

Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари. Moodle масофавий таълимни бошқариш тизимида ўқув ресурсларини яратиш ва жойлаштириш.

Ахборотга таҳлиллар. Ахборотни химожлашнинг замонавий восита ва усуллари. Идентификация ва аутентификация жараёнлари.

**3.2. Таълимда илг'ор ахборот-коммуникация технологиялари**  
Мультимедиа тушуничаси таснифи. Мультимедиянинг техник-дастурий воситалари. Таълим жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланиш. Виртуал борлик тушунчаси (Иммерсивлик ва интeрфаоллик). 3D технологиялар. Симуляторлар. Панорамик тасвирлар.

Виртуал мухитда ишлаш (vcasafetia.com). Интернет ва унинг хизматлари: имкониятлар ва хавфсизлик. Мобиль таълим ва унинг бошқа таълим турларидан фаркли жиҳатлари.

Мобиль таълим истикболлари. Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимдан фойдаланиш (LMS). Оммавий онлайн очик курслар(MOOC).

### IV. Амалий хорижий тил

**4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари**

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот мухити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 oralig'гда). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўргатувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (Ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапиря олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

### V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

**5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари**

Тизимли таҳлил назарияси фанлараро назария сифатида. Тизим ва тизимнинг белгилари. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли таҳлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли синтез. Педагогик

фаолиятда тизимли тахлил. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли тахлилини амалга ошириш. Тизимли тахлилни амалга ошириш шартлари. Тизимли тахлилни амалга ошириш усуллари. Тизимли тахлилни амалга ошириш методлари.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларга қўйиладиган асосий талаблар.

Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорларнинг ўрни. Қарор натижаларини баҳолашнинг эксперти ва прогнозик методлари. Қарорлар самардорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми. Педагогик фаолиятда қарор қабул қилиш технологияси. Қарорлар ижросининг назорати.

## 5.2. Педагогик жараёнинг тизимли тахлили

Педагогикада тизим, тизимлик ва яхлитлик категориялари. Тизим ва мухит тушунчаларининг ўзаро нисбати. Педагогик жараён - яхлит тизим сифатида. Педагогик жараён иштирокчилари ва уларнинг фаолияти. Педагогик жараёнинг муҳим таркибий элементлари, асосий йўналишлари ва уларнинг тузилмаси (объекти ва субъекти).

Педагогик жараёни тизимли тахлил қилиш мақсади ва вазифалари ҳамда моҳияти ва устувор тамойиллари. Педагогик жараёнинг тизимли тахлилга нисбатан замонавий ёндашувлар. Педагогик жараёни тизимли тахлил қилишнинг самарали метод ва воситалари ҳамда босқичлари. Унинг натижалари ва уларни баҳолаш. Педагогнинг педагогик жараёни тизимли тахлил қилишга қаратилган фаолияти. Педагогик жараёни тизимли тахлил қилишда педагог маҳорати ва тажрибасининг аҳамияти.

Ўқув жараёни тизимли тахлил қилишнинг мақсади ва аҳамияти. Ўқув жараёни тизимли тахлил қилиш омиллари. Ўқув жараёни тизимли тахлил қилиш натижалари (салбий ва ижобий). Салбий натижаларини бартараф этиш чоралари ва ижобий натижаларини бойитиш йўллари. Ўқув жараёни тизимли тахлил қилишда юқори самардорликка эришиш шартлари.

Педагогика соҳасида таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашда тизимли тахлили.

## VI. Махсус фанлар

### 6.1. Аниқ ва табиий фанларнинг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари

Информатика йўналишидаги фанларнинг умумий тушулчалари. Информатика йўналишидаги фанларнинг хусусий тушулчалари. Информатика йўналишидаги фанлар голяри, назариялари, гипотезалари, қонуниятлари ва тамойиллари. Информатиканинг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари. Информатика йўналишидаги фанларга оид назарий қарашлар, статки ва замонавий концепциялари. Илмий ва фундаментал фан

соҳасида илмий изланишлар олиб бориш. Методология ва замонавий ёндашувларни танқидий тахлил қилиш. Информатика йўналишидаги фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фан тармоқлари. Информатика йўналишидаги фанларнинг илмий-тадқиқот методлари. Информатика йўналишидаги фанларга қўйилган замонавий талаблар. Информатика йўналишидаги фанларнинг тузулиши ва мазмуни. Информатика фанларининг ютуқлари ва инновациялари. Замонавий технологиялар ва уларнинг информатика таълимдаги аҳамияти. Педагогик инновациялар ва инновациялардан таълим жараёнида фойдаланиш.

### 6.2. Олий таълимда аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси

Информатика фанининг илмий - техник тарққиётдаги ўрни ва роли. Ўзбекистонда информатика ўқитиш методикасининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Олий ўқув юр்தларида информатика ўқитиш методикасининг предмети ва тадқиқот методлари. Информатика фанини ўқитишда қўлланиладиган дидактик принциплар. Информатикани ўқитишда эмпирик ва назарий методлар. Информатикани ўқитиш принциплари. Информатикани ўқитиш методлари ва уларни синфларга ажратиш. Информатикани муаммоли ўқитиш. Информатика фанини ўқитиш воситалари. Педагогика олий таълим муассасаларида информатикани ўқитишда изчилик принципини қўлаш. Талабаларнинг мустакил ишларини ташкил қилиш. Олий таълим муассасаларида информатика ўқитиш жараёнини ташкиллаштириш технологиялари.

### 6.3. Педагогик квалиметрия

Квалиметрия - объект ва жараёнларнинг сифатини аниқловчи фан сифатида. Квалиметриянинг умумий, махсус ва амалий (предметли) соҳалари ҳақида тушунча. Педагогик квалиметрия - квалиметриянинг амалий (предметли) соҳаси. Педагогик квалиметриянинг ўзига хос хусусиятлари. Педагогик квалиметрия фаннинг мақсади ва вазифалари, илмий-тадқиқот методлари, долзарб муаммолари. Таълим-тарбия жараёнида педагогик квалиметрия методларидан фойдаланиш истиқболлари ва муаммолари. Профессор-ўқитувчиларнинг замонавий модели ва квалиметрия диагностикаси. Педагогик квалиметриянинг назорат технологиялари. Таълим-тарбия жараёнидан қутилайётган натижаларни прогноз қилиш, индентив ўқув мақсадларини шакллантириш ва унга эришиш технологиялари. Педагогик квалиметрия методларидан фойдаланиб олий таълимда ташкил этиладиган ўқитиш шакллари: маъруза, лаборатория, амалий ва семнар машғулотларининг таълим самардорлигини аниқлаш методикаси. Талабалар ўзлаштирган билим, қўникма, малака ва ласқатини аниқлашда тест топшириқларидан фойдаланиш. Тест топшириқларини турлари ва уларнинг тавсифи. Тест топшириқнинг таркиби, мазмуни ва самардорлигига қўйиладиган талаблар, репродуктив, продуктив, қисман-изланишлик ва ижодий тест

топириқларини тузиш методикаси. Таълим-тарбия жараёнидан кутилган натижаларга эришилганлик даражасини аниқлашда репродуктив, продуктив, қисман-излавишли ва ижодий ўқув топириқларидан фойдаланиш. Педагогик квалиметриянинг инновацион йўналиши бўлган таълим-тарбия жараёнида адаптив тест топириқлари ва Mu test дастуридан фойдаланиш методикаси.

#### VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

#### Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тархатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

#### Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув ишнини тайёрлайди.

Битирув иши талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуйидаги тархбий қисмлардан иборат бўлади:  
кейслар банки;

мавулар бўйича тақдимотлар;

бошқа материаллар (фани ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилди:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа таракқиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;

- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

#### Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа махсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбалардан фойдаланилади.



### Адаблётлар

1. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**  
1. Каримов И.А. Юсак маънавият – сингилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.–176 б.  
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.  
3. Каримов И.А. Она юртимиз бахти икболи ва буюк келажакга йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.  
4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимига киришиш таътанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.  
5. Мирзиёев Ш.М. “Қонул устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган таътанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.  
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.  
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сўбати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июлдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Қорунлига қарши курашни тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомага ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори.

### III. Махсус адаблётлар

1. Diane Belcher, Ann M. Johns, Brian Paltridge. New directions in English for specific purposes research. The University of Michigan Press. 2011.
2. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.
3. Karimova V.A, Zaynutdinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli ta'lim asoslari. – T.: “O‘zbekiston faylasulaf milliy jamiyati nashriyoti”, 2014.–192 b.
4. Michael Swan, Catherine Walter. The Good Grammar Book. Oxford, 2001.
5. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.-336с.
6. Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педагог. вузов. - в 2-х кн. – М.: ВЛАДУС, 1999. – 567 с.
7. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. д.т.н., проф.В.В.Попова, акад.РАО Ю.Г.Круглова.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.:ил.
8. Peter Master. English Grammar and Technical Writing. Regional Printing Center. 2004
9. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер. Серия “Учебное пособие”, 2004–316 с.
10. Сурмин Ю.П. Теория систем и системный анализ: Учебное пособие.– Киев: “МАУП”, 2003.– 242с.

11. G'ulomov S.S., Begalov B.A. Informatika va axborot texnologiyalari. – T.: Fan, 2010. – 686c.
12. M. Arifov, A. Madraximov Informatika, informasion texnologiyalar Darslik, – T: TDYuU., 2004.
13. M. Mamarajabov, S. Tursunov Kompyuter grafikasi va Web dizayn Darslik. – T.: "Cho'ipon", 2013.
14. U. Yuldashev, M. Mamarajabov, S. Tursunov. Pedagogik Web dizayn. O'quv qo'llanma – T.: "Vorix", 2013.
15. M. Arifov, M. Fayziyeva, S. Dottaev Web texnologiyalar O'quv qo'llanma. – T.: "Faylasuflar jamiyati", 2013.
16. M. T. Azimjanova, Muradova, M. Pazilova Informatika va axborot texnologiyalari O'quv qo'llanma. – T.: 2013
17. Michael Henderson, Geoff Romeo. Teaching and Digital Technologies Cambridge University Press 2015
18. Wayne Wolf. Computers as Components, Second Edition: Principles of Embedded Computing System Design 2nd Edition, Morgan Kaufmann, USA, 2008
19. Босова Л.Л. Занятельные задачи по информатике/ Л.Л. Босова, А.Ю. Босова, Ю.Г. Коломенская. – М.: БИНОМ. Лаборатория знаний, 2005.
20. Козлова В.Т., Акимова М.К. Диагностика умственного развития детей. – СПб.: Питер, 2006. – с. 67.
21. Юлдашев У.Ю., Бокиев Р.Р., Зокирова Ф.М. Информатика ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент. «Талқин» 2004. 187-б.

#### IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
  2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: [www.aci.uz](http://www.aci.uz)
  3. Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: [www.ictsoincsil.gov.uz](http://www.ictsoincsil.gov.uz).
  4. ЎзРес.ОЎМТВ хузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bitm.uz](http://www.bitm.uz)
- Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)

#### "ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН":

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрлари қўлдан келтириладиган ва уларнинг малакасини ўзгартириш учун ушбу Бош илмий-методик марказнинг "Директор" Ш.Ш.Вердумкулов

М.Ў. 2017 й.

М.Ў.

#### "КЕЛИШТИЛГАН":

Янги дастурлар ва ўқув адабиётларининг жорий қилинишини назорат қилиш Бош бошқармаси Бошқарма бошқарми О.Ш.Исмомилов

М.Ў. 2017 й.

Илмий-педагогик Тошкент давлат педагогика университети Ш.С.Шарипов

М.Ў. 2017 й.

Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги педагог кадрларнинг янги тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази Директор Н.А.Мустамолов

М.Ў.